


VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони

(1 апрель ҳолатига, бирликда)



Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар сони

(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)



Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига 34028 тани ташкил этиб, улардан 32820 таси ёки 96,4 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 7047 тага ёки 26,1 %га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йил январь-март ойларида давомида вилоятимизда 3128та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1857 тага кўпдир.


**Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар
иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)**

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан фоизда</i>	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан фоизда</i>
Жами	34 028	100,0	32 820	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6 329	18,6	6 114	18,6
Саноат	4 401	12,9	4 224	12,9
Қурилиш	3 494	10,3	3 360	10,2
Савдо	8 818	25,9	8 517	26,0
Ташиш ва сақлаш	1 002	2,9	967	2,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 650	4,8	1 556	4,7
Ахборот ва алоқа	396	1,2	383	1,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	718	2,1	705	2,1
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7 220	21,3	6 994	21,4


Корхона ва ташкилотлар сони

	2021 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2021 йил январь-март ойларида	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича:	34 028	3 128	216
<i>шаҳарлар:</i>			
Қарши	6 761	445	43
Шаҳрисабз	1 929	87	18
<i>туманлар:</i>			
Ўзгир	1 633	152	5
Деҳқонобод	1 552	85	4
Қамаш	2 607	571	26
Қарши	2 505	169	13
Косон	2 581	199	23
Китоб	2 390	283	7
Миришкор	1 202	116	1
Муборак	1 144	75	7
Нишон	1 474	177	-
Касби	1 474	160	9
Чироқчи	2 815	251	19
Шаҳрисабз	1 703	139	24
Яккабўғ	2 258	219	17


Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 апрель ҳолатига)



Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига, бирликда)



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида)



Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони

(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)

15 255



Масъулияти
чекланган жамият

3 159



Оилавий корхона

157



Унитар корхона

9 953



Хусусий корхона

47




Акциядорлик жамияти

569



Бошқалар

Масъулияти чекланган жамият,
бирликда



Хусусий корхона,
бирликда



Масъулияти чекланган жамият

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.


Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)



2021 йил 1 апрель ҳолатига 28 060 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар– 9 509 та, оилавий корхоналар– 3001 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 14 817 та, акциядорлик жамиятлари – 46 та, унитар корхоналар – 152 та ва бошқалар – 535 тани ташкил этганини кўришимиз мумкин

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби
(2021 йил январь-март ойларида, умумий сонидаги улуши)



2021 йилнинг январь-март ойларида 3128 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 мартага кўпдир.

Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 1747 та, хусусий корхоналар 391 та, оилавий корхоналар 813 та, муассасалар 53 та ва бошқалар 124 тани ташкил этди.

Оилавий корхоналар сони

(1 апрель ҳолатига, бирликда)




Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига 3159 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1632 тага ёки 2,1 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 3001 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1539 тага ёки 2,0 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатмаётган оилавий корхоналар сони 158 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 93 тага ошганлигини кўриш мумкин.

Худудлар кесимида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони

(2021 йил январь-март ойларида, бирликда)



2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналарнинг асосий қисми Китоб (181 та), Қарши шаҳри (122 та), Чироқчи (112 та), Шаҳрисабз (87 та), Ғузур (81 та), Қарши (59 та), Миришкор (44 та), Қамаш (30 та), Шаҳрисабз шаҳар (26 та), Яккабоғ (16 та) ва Муборак (16 та) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Аксинча, Дехқонобод (5 та), Нишон (9 та), Касби (12 та), Косон (13 та) туманлари корхона ва ташкилотларни ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс эттирган.


Масъулияти чекланган жамиятлар сони

(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)

Ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига 15255 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 4114 тага ёки 36,9 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 14817 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 4011 тага ёки 37,1% га ошганлигини кўриши мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 1747 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1049 тага ёки 2,5 мартага ошганлигини кўриши мумкин.



Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида сони

(1 апрель ҳолатига, бирликда)




2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида жамидаги улуши Қарши шаҳрида 24,0 %, Косон 10,6 %, Қамаш 9,5 %, Чирокчи 7,8 %, Қарши 6,6 %, Яккабоғ 6,2 %, Касби 4,8 %, Миришкор 4,7 %, Нишон 4,5 %, Муборак 4,3 %, Ғузур 4,1 %, Шахрисабз шаҳрида 4,0 %, Китоб 4,0 %, Шахрисабз 3,3 %, Дехқонобод туманларида 1,6 % ни ташкил этади.

**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**
(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)

	<i>Жами</i>	<i>шундан:</i>	
		<i>Қўшма корхона</i>	<i>Хорижий корхона</i>
Қашқадарё вилояти	225	159	66
Ғузор	12	10	2
Дехқонобод	13	9	4
Қамаши	13	10	3
Қарши	16	10	6
Косон	23	14	9
Китоб	19	13	6
Миришкор	6	4	2
Муборак	11	6	5
Нишон	15	13	2
Касби	5	3	2
Чироқчи	13	10	3
Шаҳрисабз	6	4	2
Яккабоғ	15	8	7
Қарши ш.	53	44	9
Шаҳрисабз ш.	5	1	4

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 111 та (49,3%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 42 та (18,7%) ҳамда савдода 35 та (15,6 %), қурилишда 12 та (5,3 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда мос равишда 8 та (3,6%) ташкил қилган. Энг камлари эса ташиш ва сақлаш 5та (2,2%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 та (1,8%), ахборот ва алоқа 1 та (0,4 %) ни ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

Кичик тадбикорлик субъектлари сони
(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(1 апрель ҳолатига, бирликда)



**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган
кичик корхона ва микрофирмалар сони**
(1 апрель ҳолатига, бирликда)

	<i>Жами</i>	<i>шундан:</i>	
		<i>микрофирмалар</i>	<i>кичик корхоналар</i>
Қашқадарё вилояти	27 800	26 601	1 199
Ғузор	1 326	1 263	63
Дехқонобод	1 261	1 242	19
Қамаши	2 237	2 183	54
Қарши	2 064	1 968	96
Косон	2 179	2 135	44
Китоб	1 986	1 877	109
Миришкор	969	948	21
Муборак	916	881	35
Нишон	1 154	1 103	51
Касби	1 174	1 129	45
Чироқчи	2 303	2 231	72
Шаҳрисабз	1 310	1 265	45
Яккабоғ	1 810	1 754	56
Қарши ш.	5 500	5 102	398
Шаҳрисабз ш.	1 611	1 520	91

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Фаолият кўрсатмаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки белгиланган муддатда устав жамғармаларини шакллантирмаган ҳамда тугатиш жараёнида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2021 йил 1 апрель ҳолатига (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.